O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI PALATASI
INV.№

Sho'raziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2005-yil ● 18-iyun ● Shanba ● 73 (27.408) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Энг улуғ, энг азиз умуммиллий байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг нишонлаш истиқлол йилларида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага, қутлуғ анъанага айланиб қолди. Айниқса, кейинги йилларда бу байрамни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, юксак савияда ўтказишга катта эътибор берилаётганини қайд этиш зарур.

Бугунги кунда халқимиз мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини аввало ўзлигимизни англаш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимиз кафолати сифатида қабул қилаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Мустақиллик байрамининг катта тарихий-сиёсий аҳамиятини назарда тутиб ҳамда бу улуғ сананинг 14 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби 1-иловага, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам томошаси дастурини тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага, байрамнинг бадиий дастури учун ғоявий тавсиялар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахт Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, юртимиздаги барча шаҳар, туман ва қишлоқларда юқори савияда уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар ўн кун муддатда:

— Мустақиллик байрамини ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, республика комиссиясига тақдим этсин;

— жойларда ўтказиладиган байрам дастурларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун янги ижодий кучларни, ёш истеъдод эгаларини кенг жалб қилсин;

— байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг таркибини хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқсин.

4. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси, оммавий тадбирлар, бадиий дастур ва томошаларнинг маъно-мазмунига оид таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказиладиган байрам тадбирларининг умумий ғоявий-бадиий концепциясини ишлаб чиқсин (3-иловада баён этилган ғоялар, тушунча ва қарашлар асосида).

5. Мустақиллик байрамини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 июлдаги 357-сон қарорининг 3-бандида белгиланган тартибда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 15 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қисқа муддатда жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Кўплаб давлатлар, халқаро маданият ташкилотлари, дунё миқёсида танилган машҳур санъат намояндаларининг бу фестивалга бўлган қизиқиши ва эътибори ортиб, иштирокчи мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Асосий ғояси инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштиришга, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ортишига хизмат қилаётганини қайд этиш зарур.

Айниқса, бугунги нотинч ва таҳликали замонда ёвузлик ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши маърифат асосида курашиш, халқимиз маънавияти, унинг кўп асрлик мусиқа хазинасини бойитишда мазкур фестивалнинг роли ва аҳамияти янада кучайиб бормоқда.

Шу муносабат билан 2005 йилнинг 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» 5-халқаро мусиқа фестивалини юксак ғоявий-бадиий даражада, уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида:

1. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага, фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари учун бадиий дастурлар яратиш бўйича ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташкилий қўмита ўн кун муддатда фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш режасини, анжуманнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа тадбирларнинг бадиий сценарийларини ишлаб чиқсин.

3. Фестивалга тайёргарлик кўриш ва бадиий дастурларнинг сценарийларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

— Шарқ мусиқаси — Шарқ цивилизацияси ва маданиятининг узвий бир қисми, инсоният тафаккурининг бебаҳо хазинаси эканини, унинг аҳамияти ва моҳиятини акс эттириш;

— турли миллат ва элатларни мусиқа санъати воситасида ўзаро яқинлаштириш ғоясини бадиий талқин этиш;

— халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ва ҳамкорликни, чин инсоний фазилатларни улуғлаш;

— юртимизнинг, жумладан, Самарқанд шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни ва аҳамияти, умумбашарий маданият ривожига қўшган улкан ҳиссасини, бой мусиқий меросимизни кенг намоён этиш;

— ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр ва ихлос туйғуларини камол топтириш;

— мумтоз шарқ мусиқа санъати инсонларни гуманизм ва эзгулик руҳида тарбиялашда, жаҳолатга қарши маърифат билан курашда таъсирчан восита бўлиб хизмат қилишини ёрқин ифода этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 15 июнь

ИСТИҚБОЛЛИ ҚЎШМА КОРХОНА

«Elektron xisoblagich» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ўтган йилнинг декабрида иш бошлаган. Унинг таъсисчилари — «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Uzenergosotish» шўъба корхонаси, «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ва Хитойнинг «Hangzhou zhongya technology Co.LTD» компанияси.

— Ўзбекистонда энергияни ҳисобга олишнинг замонавий тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, — деди корхона бошқаруви раиси Ҳуан Чжичен ЎзА мухбирига. — Бу ресурслардан оқилона фойдаланиш ва тежамкорликнинг бош кафолатидир. Корхонамизда жорий йилда 150 минг дона электр қуввати ҳисоблагичи ишлаб чиқариш режалаштирилган. Ҳозиргача қиймати салкам бир миллион АҚШ долларига тенг 50 минг дона маҳсулот мижозларга етказиб берилди. Келгусида ишлаб чиқаришнинг эллик фоизини маҳаллийлаштириб, маҳсулот ҳажмини йилига 450 минг донага етказиш кўзда тутилган.

Мазкур ҳисоблагичларда замонавий техник қурилмалар — интерфейс ва микрочиплар ўрнатилган. Улар сарфланган энергияни юқори аниқликда қайд этади. Рақамли технологиялар воситасида улардан масофада туриб ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд. Бунда жараён диспетчерлик пультидан автоматлаштирилган тизимда бошқарилади.

Лазиз РАҲМАТОВ,
ЎзА мухбири

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.

С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ЯГОНА МЕЗОН — ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ ВА ЯНА БИР БОР ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 16-17 июнь кунлари ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сафарда бўлди.

ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Юртбошимизнинг мазкур ташрифи давомида асосий эътибор мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш, жанубий сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш масаласига қаратилди. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда халқаро майдонда тинчлик ва барқарорликка нисбатан турли таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда бу масаланинг ўта долзарб аҳамият касб этиши барчага аён, албатта.

Агар Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон геостратегик мавқеи билан жаҳондаги кўплаб катта-кичик давлатлар ва сиёсий кучларнинг эътибори ва қизиқишини ўзига тортиб келаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу масаланинг моҳияти янада ойдинлашади.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Термиз шаҳри ва Сариосиё туманида бўлиб, Афғонистон ва Тожикистон билан туташ ҳудудларимиздаги бугунги ҳолат билан танишди, бу ерда хизмат қилаётган ватан посбонлари, чегарачи ҳамда божхона хизматчилари билан учрашувлар ўтказди.

Бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида Президент Ислом Каримов Андижон воқеалари ҳақида яна бир бор фикр билдириб, ана шу фожианинг сабаб ва оқибатлари ҳамда ундан келиб чиқадиган сабоқ ва хулосалар тўғрисида атрофлича тўхталди.

Маълумки, Юртбошимиз 14 май куни Тошкент шаҳрида ўтказилган матбуот конференциясида Қирғизистон мисолида бирор-бир давлат ёки ҳудуддаги нотинч вазият, қарама-қаршилик, фуқаролар уруши ёки барқарорликнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар ҳеч қачон шу ҳудуд чегарасида узоқ вақт сақланиб қолмаслиги, уларнинг эртами-кечми чегаралардан ошиб, қўшни давлатлар ҳудудига тарқалиб кетиши муқаррар экани ҳақида ташвиш ва изтироб билан гапирган эди.

Шу ўринда айтиш керакки, Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистон ҳаётида тасодифан бўлган воқеа эмаслиги вақт ўтган сари тобора аён бўлмоқда. Олиб борилаётган дастлабки тергов ишлари натижасида бу машъум сиёсий фитнага олдиндан пухта тайёргарлик кўрилгани, уни амалга ошириш билан боғлиқ қабиҳ режалар қачон ва қаерларда ишлаб чиқилгани, кимлар бу ҳаракатнинг ташкилотчиси эканини кўрсатадиган далил ва маълумотлар қўлга киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Фармонни ўқиб

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг куни кеча эълон қилинган «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларида тегишли давлат органларига мазкур ҳужжатларни амалда жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича аниқ топшириқлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Бўритош МУСТАФОЕВ ЎзА мухбирига вазирлик бу ишда қандай иштирок этиши ҳақида сўзлаб берди:

— Авваламбор, ушбу фармонларнинг муҳимлиги ва ўз вақтида қабул қилинганини таъкидлашни истардим. Уларда белгилаб берилган чора-тадбирлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давомидир. Бу стратегик вазифалар Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан учрашувдаги нутқида баён этилган эди.

Маълумки, тўлақонли қонунчилик асосини яратмай туриб кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Шу боис, жамиятимиз илгари ҳаракатланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш мақсадида қонун ижодкорлиги фаолиятини кучайтириш вақти келди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижасини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда, уларнинг ўзига хос жиҳатлари — самарадорлик, босқичма-босқичлик ва изчилликдир.

Вазирлигимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири — қонун чиқариш ва уни амалда қўллаш бўйича ягона давлат сиёсати олиб борилишини таъминлашдан иборат. Шундан келиб чиқиб, вазирликка кенг ваколатлар берилган. Жумладан, биз истисносиз, барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан экспертизадан ўтказамиз. Бу, аввало, қонунлар, Президент, ҳукуматнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда идоравий меъёрий ҳужжатлардир. Уларнинг бажарилишини мониторинг қилиб борамиз, айни пайтда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этмаётган ва уларни бажармаётган шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш воситаларига эгамиз.

«Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга келсак, бизга қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича келишиш ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва ҳукуматга киритиш жараёнининг белгиланган тартибда амалга оширилишини мониторинг қилиш, уларнинг ҳуқуқий экспертизаси ҳамда идоравий меъёрий ҳужжатларнинг ўз вақтида рўйхатга олинишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, вазирликлар ва идоралар, жойлардаги ҳокимият органларининг ўз меъёрий ҳужжатларини қабул қилинаётган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларига мувофиқлаштиришини назорат қилиш ҳам топширилган.

Масалан, ҳозир «Ипотека ва уйжой қурилишини ипотека кредитлаш тўғрисида» қонун тайёрланмоқда. Адлия вазирлиги уни тайёрловчилар билан бирга қонунни ҳуқуқий экспертизадан ўтказмоқда, қабул қилингандан кейин эса унинг ижроси мониторинг қилинади. Шундан сўнг вазирлик ва идоралар ўз меъёрий ҳужжатларини бу қонунга мослаштиради, биз эса бу жараённи назорат қиламиз. 14 июндаги Фармонга 1-иловага кўра, 2005-2006 йиллар давомида 8 та ана шундай қонун қабул қилиниши мўлжалланмоқда. Қонунлардан ташқари, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматнинг 22 та фармон ва қарорлари, 8 та идоравий меъёрий ҳужжат қабул қилиниши кўзда тутилган.

Фармонга 2-иловада эса ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган 40 та қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, шунингдек, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлган бошқа ҳужжатлар рўйхати берилган.

Ва ниҳоят, Фармонга 3-иловада бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларга мувофиқ қабул қилинган 23 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат рўйхати берилган.

Юқорида зикр этилган рақамларнинг ўзиданоқ кўриниб турибдики, жуда улкан иш қилиниши лозим. Ахир, гап қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида бормоқда ва бу борада хатога йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар томонлама таҳлил, батафсил экспертиза, аниқ келишув жараёни, ижрони назорат қилиш — шу ишлардаги ҳар бир босқич пухта ўйланган ёндашув, чуқур англаш ва ҳатто олдиндан кўра билишни талаб этади.

Айни пайтда айтиш жоизки, қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар халқаро стандартларга яқинлаштирилиши керак. Бу муҳим аҳамиятга эга, чунки мамлакатимиз йил сайин турли соҳаларда, шу жумладан иқтисодий соҳада ҳам халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтирмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимига таллуқли фармонга кўра, вазирлигимизга бошқа давлат органлари билан биргаликда ишларни судларда кўриб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш, қўшимча тоифадаги суд ишларини ҳисобга олган ҳолда судларнинг таркиби ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда мазкур фармонга биноан қонунчиликка киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таклифларни ишлаб чиқишда амалий иштирок этиш вазифаси юклатилган. Ҳозир бу иш мутахассисларимиз иштирокида олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги «Ҳакамлар суди тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг яратувчиларидан бири ҳисобланади. Бундай судлар тадбиркорлик субъектларининг ўзлари ва уларнинг бирлашмалари томонидан ташкил этилади. Қонун лойиҳаси тайёр, у барча келишув жараёнларидан ўтди ва тез орада Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилади. Мазкур қонуннинг амалда жорий қилиниши ва ҳакамлар судларининг ташкил этилиши бошқа суд органлари ишини енгиллаштириш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳакамлар судларининг тузилиши ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлади. Тадбиркорларнинг ўзи эса, ишларни кўриб чиқиш тартиби соддалаштирилган, самарали органга эга бўлади. Ишбилармон одамлар учун ўз хўжалик низоларини тезроқ ҳал этиш имкони яратилади.

ЎзА мухбири Виктор НИКОЛАЕВ ёзиб олди.

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

АҲОЛИГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг олий мақсади битта: халқимизга муносиб турмуш тарзи яратиб бериш, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни амалда намоён этиш. Бунинг учун олдимизга қўйилган вазифалар, уларнинг ижроси йўлида турган объектив шартлар бор. Юртбошимиз шу йил, 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида қилган маърузасида: **«Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда»** — дея ифодалаганди.

(Давоми 3-бетда)

ЯГОНА МЕЗОН — ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ ВА ЯНА БИР БОР ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сурхондарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисм аскарлари ва офицерлари билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари бир ҳолатга эътибор қаратди. Яъни, Андижондаги жиноий ҳаракатларнинг иштирокчилари — уларнинг номи «ҳизб-ут-таҳрир»чи ёки «акромий» бўладими, бундан қатъи назар, бу ғаламис кимсаларнинг кирдикорлари халқимиз, жамоатчилигимиз учун янгилик эмас. Уларнинг ёвуз ният ва уринишлари нимага қаратилгани ҳам биз учун сир эмас. Биз бундай бузғунчи тўдаларнинг мақсадларини 1991 йилдан бошлаб дастлаб Наманганда, кейинчалик 1999 йил февраль воқеаларида, 2000 йилда Янгиобод, Сариосиё, Узун ва Бурчмуллада, 2004 йилда Ромитан тумани ва Тошкент шаҳрида амалга оширилган қўпорувчиликлар мисолида кўрган эдик.

Аслида бу разил кучларнинг номи ҳар хил, лекин мақсади бир, деб таъкидлади Ислом Каримов. Содда одамларни ёлғон ваъдалар билан лақиллатиш, юртимиздаги конституциявий тузумни, қонуний ҳукуматни зўрлик билан ағдаришга уриниш, тинч-осойишта ҳаётни издан чиқариш, шу тариқа Ўзбекистонни ўз танлаган тараққиёт йўлидан қайтариш, мамлакатимизнинг мустақил сиёсат олиб бориш ҳаракатига йўл бермаслик ва охир-оқибатда ўзига қарам қилиб, унинг ноёб бойликлари, ер ости захираларига эгалик қилиш — мана уларнинг асл нияти. Шу йўл билан улар ўзларининг узоқ ва давомли геостратегик режаларини амалга оширмоқчи.

Андижонда содир этилган фожиа иштирокчилари ақлини йўқотган, халқнинг тинч ҳаётини кўролмайдиган қора кучлар экани фош бўлмоқда. Лекин бугунги вазиятнинг хавфли томони шундаки, бу террорчи тўдаларнинг ортида улардан ўз манфаати йўлида фойдаланишни кўзлаган, катта маблағ ва таъсирга эга сиёсий кучлар турганини тушуниш қийин эмас.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кирдикорлар эртами-кечми барибир очилади, аммо одамларимиз ўз фикри, ақл-заковатига таяниб, Андижонда рўй берган воқеалар атрофида айрим хорижий мамлакатларда баъзи оммавий ахборот воситаларида кўтарилаётган шов-шув ва уйдирмалар кимнинг манфаатига хизмат қилишини англаб олишини истардим, деди Ислом Каримов.

«ДЕМОКРАТИЯ — ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ҲУКМРОНЛИГИ...»

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги биносида воҳа фаоллари ва жамоатчилиги билан бўлиб ўтган учрашувда Президент жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш билан боғлиқ стратегик мақсадлар ҳақида атрофлича сўз юритди.

Биз Ўзбекистонда демократик жамият барпо этиш йўлида мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб меҳнат қилиб келмоқдамиз. Биз демократияни кимгадир ёқиш, кимгадир ҳисоб бериш учун эмас, балки у бизнинг пировард мақсадларимизга жавоб бергани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили бўлгани учун қурмоқдамиз.

Лекин демократияни кўр-кўрона кўчириб, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга экспорт қилиб бўлмайди. У ҳар қайси халқнинг минг йиллик анъаналари, миллий қадриятлари ва замонавий дунёқараши негизида табиий равишда вужудга келиши лозим. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, демократияга ҳар қандай жамият босқичма-босқич эришган тақдирдагина у самара бериши мумкин.

Демократия — бу халқ хоҳиш-иродасининг ҳукмронлигидир, деб таъкидлади Ислом Каримов. Шу боис ҳам бугун мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг маъно-моҳияти, мезони битта — у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати.

«БИЗЛАР ИШЛАЯПМИЗ, БУ МЕҲНАТ, ХОЛОС...»

Бугун беполн Ўзбекистоннинг қайси вилоят, шаҳар ёки туманига борманг, ҳамма жойда одамлар қизғин меҳнат билан банд эканини кўрасиз. Айниқса, заҳматкаш деҳқонларнинг қўли-қўлига тегмайди. Қишлоқда иш қайнаб ётибди. Бир томонда — пилла терими якунига етаётган бўлса, бир томонда — ғалла ўрими жадал давом этмоқда, ямяшил далаларда эса ғўза парвариши авжида.

Айрим қўшниларимиз митингбозлик, идораларни навбатма-навбат босиб олиш, мулк жанжаллари билан овора бўлган бир пайтда юртимизнинг фидойи инсонлари, қирқ даража иссиққа қарамасдан, ўз вазифаси, меҳнат бурчини тинчлик-хотиржамлик билан адо этмоқда.

Ислом Каримов ҳар икки вилоятда ишнинг кўзини биладиган, тажрибали, кўпни кўрган деҳқонлар билан суҳбатда бўлиб, уларнинг меҳнати, ўй-кечинмалари, ҳаётий режалари билан қизикди.

Бошда давлат раҳбарининг бироз салобати босиб турган пахтакор ва ғаллакорлар Юртбошининг содда, самимий, расмиятчиликдан холи муомаласидан сўнг очилиб кетиб, чин дилдан гурунг қилишди. Сариосиё туманидаги Г.Хидиров ва Й.Охунбобоев номидаги, Қарши туманидаги «Бешкент» ширкат хўжаликларида пудратчилар билан бўлган суҳбатлар чоғида ҳам асосан гап қишлоқдаги бугунги ҳаёт ҳақида борди.

Қишлоқда деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш, ер унумдорлигини ва деҳқонларнинг даромадини ошириш, қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, уларга тегишли шароит яратиб бериш, янги иш ўринларини яратиш, ишни тўғри ва самарали ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ҳақида фикр алмашилди.

Яқин-яқингача ҳар гектар ердан 40-50 центнер ғалла ҳосили кўтариш ўзига хос рекорд ҳисобланар эди. Эндиликда илғор фермерлар, пудратчилар учун 70-75 центнер ҳосил олиш одатий ҳолга айланиб, Қашқадарё ва Сурхондарёда ҳам бундай хўжалик ва фермерлар сафи кенгайиб бораётгани ҳар қандай одамни албатта қувонтиради.

Бугунги кунда фермерлик қишлоқ хўжалигини юритишнинг бошқа усулларидан афзал ва устун эканини деҳқонларимиз ҳам, соҳа мутасаддилари ҳам ҳар томонлама тушуниб, эътироф этмоқда, деди Ислом Каримов. Лекин асосий гап — ҳаракатни тўғри йўлга қўйишда, бунинг учун эса масаланинг ҳамма томонини чуқур ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиш керак. Кўп марта айтилганидек, ерни ҳақиқий эгасига — ўз даласига меҳр қўйган, деҳқончилик илмининг сир-синоатини, ишнинг негизини биладиган фидойи инсонларга топшириш керак.

ФАРЗАНДЛАР БАХТИ — ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНИ

Ўзбек халқи азалдан умрининг мазмунини фарзандлари келажагида, уларнинг камоли, бахту саодатида кўради. Умид билан ўғил-қиз ўстиради, уларнинг орзу-ҳавасини кўрай деб ният қилади. Халқимизнинг ана шундай азалий интилиши бугун Ўзбекистонда болалар ва ёшлар истиқболини ўйлаб амалга оширилаётган кўп қиррали давлат сиёсатининг замирида ўз ифодасини топмоқда.

Президент мамлакатимиз бўйлаб амалга оширадиган ҳар бир сафари чоғида имкон топиб, албатта ёш авлод вакиллари билан учрашишга, таълим-тарбия масканлари фаолияти билан яқиндан танишишга интилади.

Бу гал ҳам Юртбошимиз, вақт тиғизлигига қарамасдан, Сариосиё туманида барпо этилган болалар спорт мажмуини бориб кўрди.

Ушбу замонавий спорт маскани мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш давлат дастури асосида бунёд этилган юзлаб иншоотлардан биридир.

Ислом Каримов спорт мажмуида ёшлар учун яратилган шароитларни кўздан кечирар экан, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган шиоримизнинг маъномазмуни шундай масканлар мисолида яққол намоён бўлиши лозим, деб таъкидлади.

Қарши шаҳрининг марказида бунёд этилаётган болалар боғи ҳам давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмади.

Шу мўъжазгина боғ ва унинг ёнида қад кўтараётган янги бозор қурилиши баҳонасида бу ердаги улкан бунёдкорлик иншоотлари, вилоят марказини том маънода замонавий шаҳарга айлантириш, Қаршининг 2700 йиллик тўйини ҳар томонлама муносиб нишонлаш ҳақида муҳим фикрлар, аниқ топшириқ ва амалий тавсиялар билдирилди. Чунки, бу қутлуғ тўй нафақат Қарши шаҳри ёки Қашқадарё вилояти, айни вақтда бутун Ўзбекистон ҳаётидаги буюк санадир.

Олдимизда мана шундай катта тўй-томошалар, яхши кунлар турибди. Халқимиз бугунги ҳаёт, эртанги кунга катта ишонч билан қарамоқда. Бу ишончнинг негизида мужассам бўлган куч — бу ҳамюртларимиз онгу тафаккурида рўй бераётгани ижобий ўзгаришларда.

Сурхон замини ва Қашқа воҳасида яшаб меҳнат қилаётган одамларнинг кайфияти, орзу-интилишлари ана шу ўзгаришларнинг намоёнидир.

Б.СУЛТОНОВ
(ЎзА)

ЎзХДП янгиликлари

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Денов туман кенгашида бошланғич партия ташкилотлари раисларининг доимий ҳаракатдаги амалий семинари бўлиб ўтди. Унда БПТда ўтказилаётган ҳисобот йиғилишларининг бориши ҳамда йиғилишларда кўтарилаётган масалалар, ЎзХДП аъзоларининг фикр-мулоҳазалари ҳақида сўз юритилди. Бу ҳақда туман партия кенгаши раиси А.Бўриев сўзга чиқиб, БПТ фаоллигини ошириш, партия танлаган сўллик позицияга ҳамоҳанг равишда иш олиб боришлари хусусида гапирди.

Навоий вилоят кенгашида шаҳар ва туман партия кенгашлари раисларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотларининг жорий йилнинг бошидан буён олиб борган ишлари таҳлил қилинди. Шунингдек, БПТда ўтаётган ҳисобот йиғилишлари, депутатлар гуруҳлари ишининг бориши ва Андижонда юз берган воқеалар тўғрисида кенг мулоҳазалар юритилди.

Хоразм вилоят кенгашида партиядан халқ депутатлари вилоят ва Урганч шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар иштирокида ўқув машғулоти ўтказилди. Иштирокчилар «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг мақоми тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунларни атрофлича ўргандилар. Шунингдек, депутатлар сайловдан кейин олиб борилган ишлар ва галдаги вазифалар хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

ЎзХДПдан халқ депутатлари **Андижон вилоят** Кенгашига сайланган депутатлар бўлиб ўтаётган сессияларда фаол иштирок этиб келмоқда. Шу кунгача 9 та масала бевосита улар томонидан сессиялар кун тартибига киритилди. Шунингдек, депутатлар доимий равишда сайловчилари билан учрашувлар ўтказиб бормоқдалар. Хусусан, ҳозиргача бўлиб ўтган учрашувларда аҳоли диққат марказидаги 463 та масала кўтарилиб, уларнинг 400 таси ижобий ҳал қилинишига эришилди. Фуқароларнинг бир қатор мурожаатлари Кенгаш томонидан тегишли ташкилотларга юборилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ФИТНА ҲАТТО ҚОТИЛЛИКДАН ҲАМ ЁМОНРОҚДИР

Республикамиз Президенти Ислом Каримов дунё халқлари учун хавф солаётган таҳдидлар қаторида диний экстремизм, халқаро терроризм ва радикализмнинг олдини олиш, уларга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб: «... биз халқаро терроризмни ота-боболаримиздан қолган муқаддас динимиз — ислом дини билан боғлашдек хавфли ният ва уринишларни кескин қоралаймиз. Бундай оқибати ўйланмаган ва ифвогарона хатти-ҳаракатлар биринчи галда «ал-Қоида» ёки «Ҳизбут-таҳрир» каби энг ашаддий экстремистик ҳаракат ва ташкилотларга кўл келади», — деб таъкидлаган эди.

Шу йилнинг май ойида Андижонда рўй берган воқеалар ҳар биримизни қаттиқ ларзага солди. Айниқса, бундай мудҳиш жиноятларнинг тинчликпарвар ислом дини номидан амалга оширилиши диний соҳа мутасаддиларини ҳам бефарқ қолдирмади.

Фарғона, Андижон ва Наманганда ўтказилган вилоят имом-хатиблари ва диний билим юртлари мударрислари иштирокидаги йиғилишларда ҳам айнан шу мавзуда сўз юритилди. Уларда сўзга чиққан Президентнинг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳуснидинов жамият барқарорлиги ва хавфсизлигига мафкуравий таҳдидларнинг диний экстремизм билан узвий боғлиқлиги, қабиҳ ниятли ҳаракатларнинг олдини олиш, бу борада жойларда олиб борилаётган ишлар, мавжуд муаммолар, уламолар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида гапирди.

Ислом мусаффолигини асраш, уни турли бузғунчи оқимлар таҳдидидан ҳимоя қилиш борасида уламо ва имомларнинг масъулиятларини ошириш, мутаассиб ғояларнинг илдиз отиши ва миссионерлик ҳолатларининг олдини олишга йўналтирилган фаолиятнинг устувор йўналишларидаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими юзасидан тегишли чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирларда қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширишда ақидапарастлар ёшлар ва аёллар иштирокида ўзини-ўзи портлатиш усулларини қўллаётгани, мутаассиб гуруҳлар аҳоли ичида ўз тарафдорларини кўпайтириш мақсадида фаолиятида хайрия ишларига эътибор қаратаётгани аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилди.

Мутахассисларнинг фикрича, дин ниқоби остида ғаразли, сиёсий мақсадларни кўзлаб дунё бўйлаб амалга оширилаётган террорчилик ҳодисаларининг 80 фоизи муқаддас ислом дини номи билан содир этилмоқда. Диний экстремистик гуруҳларнинг ўз сафларига ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларни тобора кўпроқ жалб этаётгани ачинарли ҳолдир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилган. Виждон эркинлигини алдамчи усуллар билан пойлмол қилишга уринишлар, хусусан, ақидапарастлик ғояларининг илдиз отиши ва «диний экспансия»нинг олдини олиш юзасидан қонуний тўсиқлар мавжуд. Шу билан бирга, аҳолига диний-маърифий ғояларни етказиш тизими мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида узлуксиз таълим тизимида динлар ҳақида маълумот берувчи фанларни киритиш бўйича босқичма-босқич ишлар амалга оширилмоқда.

Афсуски, минтақа давлатларида диний экстремистик ташкилотларга қарши курашишнинг аҳволини бугунги кун талабларига жавоб бера олади, деб бўлмайди. Жумладан, баъзи қўшни мамлакатларда диний маълумотга эга имомлар етишмай турган бир вақтда масжидлар сонининг асоссиз ўсиб бориши, миссионерлар келишига йўл очиб берилиши ва диний фаолиятни тартибга солувчи қонунларнинг талаб даражасида эмаслиги оқибатида мутаассиб гуруҳларнинг фаоллашувига замин яратилмоқда.

13 майда Андижон шаҳрида содир этилган мудҳиш воқеалар ҳам диндан ниқоб сифатида фойдаланадиган, ўзини «ҳақиқий» мўмин-мусулмон қилиб кўрсатадиган, аслида эса охиратини ўйламайдиган қабиҳ кимсаларнинг асл башарасини яна бир марта намойиш этди.

Шундай пайтда жиддий асосга эга бўлмаган ва вазиятни яхши англамаслик натижасида билдириладиган фикр-мулоҳазалар унинг янада мураккаблашишига олиб келиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Шу нуқтаи назардан, дин арбоблари бугунги кунда халқимизга асл воқеликни холис баҳолаш ва ҳаётий хулосалар чиқаришга кўмаклашиш зарурлигини қайд этдилар.

Қизғин савол-жавоблар асосида ўтган йиғилишлар якунида юртимизни динни ниқоб қилиб олган кимсалардан ҳимоялаш, ҳақиқий диний қадриятларни асраб-авайлаш, фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, жамиятимизнинг барча аъзолари, жумладан, имом-хатиблар олдидаги долзарб вазифалардан экани алоҳида таъкидланди.

Тадбирларда хилма-хил шаклда намоён бўлаётган фитна ва унинг оқибатларини бартараф этишда лоқайдлик ва бепарволикка йўл қўймаслик, мавжуд таҳдидларнинг ғоявий асосларини очиб ташлашда дин арбобларидан фаоллик ва курашчанлик талаб қилиниши алоҳида қайд этилди. Халқимиз, айниқса, ёшларда соф ислом қадриятлари билан йўғрилган маърифатни камол топтириш, уларни маънавий жиҳатдан соғлом, мустаҳкам эътиқодли кишилар қилиб тарбиялашда диний идора тизими масъулларининг устувор вазифалари бўйича аниқ амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

(ЎзА)

Ҳинд сиёсатшунос олими, Марказий Осиё мамлакатлари бўйича йирик мутахассис, доктор Рамакант Двиведининг номи кўпгина газетхонларимизга таниш. Чунки бир неча йиллардан бери матбуотимизда унинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид турли мақолалари чоп этиб келинади. Ҳиндистон Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институтининг етакчи илмий ходими Р. Двиведи 2004 йили Деҳлида нашр этилган «Ҳиндистон ва Марказий Осиё» номли китобнинг муаллифларидан бири ҳамдир. У яқинда Ўзбекистонда бўлди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган қуйидаги суҳбатда доктор Р.Двиведи мамлакатимиз ва унинг бугунги ҳаёти ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашади.

Доктор Рамакант ДВИВЕДИ:

«ТАШЛАНГАН ҚАДАМ НИЯТГА МОС БЎЛАДИ»

— Муҳтарам Двиведи, Ўзбекистонга ташрифингиздан кўзланган асосий мақсад нима эди?

— Мамлакатингизда содир этилган кўнгилсиз ҳодиса — Андижон воқеалари юртингизга келишимга асосий сабаб бўлди. Чунки у дунёдаги турли оммавий ахборот воситалари томонидан турлича ёритилди, ҳар хил талқин қилинди. Шу туфайли Ўзбекистондаги, хусусан, Андижондаги вазият билан яқиндан танишиш, воқеа рўй берган жойларни ўз кўзим билан кўриш, юртдошларингиз билан юзма-юз суҳбатлашиш учун Деҳлидан Тошкентга учиб келдим. Кейинги ниятим эса Деҳлига қайтганимдан сўнг бу ерда кўрган-кечирганларимни қоғозга тушириб, ҳинд жамоатчилигига етказишдан иборат.

— Шубҳасиз, Андижон воқеалари юзасидан Сиз билдирадиган фикр-мулоҳазалар муҳимдир. Бир ҳафта давомида мамлакатимизда бўлдингиз. Таассуротларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Сафарим давомида мамлакатингиз Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Ўзбекистон парламенти аъзолари, республика Бош прокуратурасида масъул ходимлар билан учрашдим ва яна бошқа қатор идора, муассасаларда бўлиб, ўзимни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдим.

Икки кун давомида Андижон шаҳрида бўлдим. Воқеа содир этилган жойларни ўз кўзим билан кўрдим. Мутасаддилар, оддий одамлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг натижаси ўлароқ, мени иккилантириб юрган айрим масалалар мутлақо ойдинлашди.

Ғарб сиёсатчилари Андижон воқеалари юзасидан нохолис муносабатда бўлишаётгани, уларнинг оммавий ахборот воситалари эса, шунингдек, интернетдаги кўпгина веб-саҳифалар ҳам бу воқеаларни нохолис ва бўрттириб ёритаётганини Деҳлидалигимдаёқ ичимдан сезган эдим. Чунки мен Ўзбекистонни, ўзбекларни яхши биламан, десам муболаға бўлмайди. Бу ерга кўп келганман, ҳатто халқингиз орасида бир неча йил яшаганман.

Андижонда одатдаги осуда ҳаёт давом этаётганига шоҳид бўлдим. Кўчаларда болалар ўйнаб юрибди. Одамлар масжидларга қатнашаяпти. Бозорлар очиқ, дўконлар, чойхоналар гавжум. Ҳамма ўз юмуши билан банд...

Андижон воқеалари терроризм ва диний экстремизмнинг нақадар ёвуз куч эканини бутун дунёга яна бир бор исботлаб берди. Жаҳон ҳамжамияти бундан тегишли хулоса чиқариб олади, деб ўйлайман.

— Бу воқеаларнинг содир этилишида экстремистларга четдан туриб кўмак кўрсатилган, деган фикрлар ҳам билдирилаяпти. Шу ҳақдаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Чунки бундай хуружлар ўз-ўзидан, бир-икки кунлик тайёргарлик билан юзага келиб қолмайди. Бу борада мамлакатингиз Президенти ҳақ. Андижон воқеаларига олдиндан пухта тайёргарлик кўрилганини, аниқ стратегия ишлаб чиқилганини англаш қийин эмас.

Марказий Осиё мамлакатлари бўйича мутахассис сифатида минтақадаги вазиятни мунтазам кузатиб бораман, таҳлил қиламан. Шунинг учун Президент И.Каримовнинг ўз вақтида Андижонга етиб бориши катта кўнгилсизликларнинг олдини олиб қолди, деб ҳисоблаш учун барча асослар мавжуд. Агар аксинча бўлганида воқеалар бошқача ривожланиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Аслида мазкур хуруж ташкилотчилари — ҳомийлар воқеалар Қирғизистондагидек тус олиб кетишини кутган. Бахтингизга бунинг олди олинди. Менимча, минтақангиз, хусусан, Ўзбекистон шароитида четнинг муайян ёрдамисиз бундай қўпорувчиликни амалга ошириш мушкул. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Америкада ишлаб чиқарилган автомат қандай қилиб террорчиларнинг қўлига тушиб қолган бўлиши мумкин? Ёки террорчиларга тегишли бўлган барча ўқ отиш қуролларининг рақамлари нега ўчириб ташланган? Андижон воқеаларида «Акромийлар» «тўппонча» вазифасини ўтаган, холос, тўппончани ушлаган қўлни эса четдан ахтариш керак, назаримда. Ўзбекистонда суриштирув ишлари ниҳоясига етгач, бу масалалар ойдинлашишига шубҳа қилмайман.

— Сиз юқорида Андижон воқеалари Ғарб ОАВ томонидан нохолис ва бирёқлама ёритилганига ўзингиз ишонч ҳосил қилганингизни айтдингиз. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Булар журналистларнинг шунчаки шов-шув ортидан қувишими ёки?..

— Биринчи навбатда, бу албатта, сиёсат билан боғлиқ. Барча мамлакатлардаги ҳар хил кучларнинг ҳаммаси ҳам Ўзбекистонга хайриҳоҳ, деб бўлмайди. Бундай бўлиши мумкин эмас. Менимча, бунинг сабаби мамлакатингиздаги барқарорликни кўролмайдиганлар бор. Эслаб кўринг: Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ юртда тинчликни сақлаш масаласига устувор йўналиш сифатида қараб келади. Бу борада ҳукуматингиз мутлақо ҳақ. Тинчлик бўлмаган жойда бирорта ҳам яхши нарса бўлмайди. Нотинчлик харобалик, қулфат ва ғам келтиради. Шу маънода, мен мутахассис сифатида ҳозир Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга энг керакли нарса тинчлик ва барқарорликдир, деб ўйлайман. Чунки мамлакат ўтиш даврини бошдан кечираяпти. Рўпара турган муаммоларни эса тинчликка зиён етмаслиги учун чуқур мулоҳазалар асосидаги чора-тадбирларни кўрган ҳолда ҳал этиш керак бўлади.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, қўлда қурол билан давлат муассасаларига ҳужум қилган, одамларни ўлдирган, уларни гаровга олиб, ўзларининг адолатсиз талабларини илгари сурганларни тинч намойишчилар, деб бўлмайди, албатта. Лекин айрим Ғарб ОАВ воқеаларни шундай, деб ёритишди. Буни эса шунчаки шов-шув ортидан қувиш, деб баҳолаш анойиликдир. Шарқда шундай нақл бор: босилган ҳар бир қадам ниятга мос бўлади.

Журналистикада шунчаки шов-шув ортидан қувиб, обрў қозониш даврлари ўтиб кетди. Бугун инсоният жуда мураккаб бир даврда яшаяпти. ОАВни бежиз тўртинчи ҳокимият деб атамаймиз. У бизнинг замонамизда жуда самарали қурол ҳамдир. Чунки ОАВ жамоатчилик эътиборини муайян томонга қаратибгина қолмай, балки унинг онгида маълум бир фикрни шакллантириш кучига эга. Бу эса ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин.

Суҳбатдош:
Шуҳрат УМИРОВ
«Жаҳон» АА.

13 МАЙ 19.50... ЧАҚИРУВГА БИНОАН ЙЎЛГА ЧИҚИШГАН ЭДИ

Ўша куни юз берган фожиалар андижонлик шифокорлар учун ҳам ҳаёт-мамот синови бўлди

Саломатлик посбонлари хатарли дамларда касбларига содиқликларини яна бир бор кўрсатдилар. Бегуноҳ инсонлар ҳаётини сақлаб қолиб, ярадорлар жароҳатларига малҳам бўлдилар. Бу жароҳат нафақат уларнинг, балки миллатнинг жароҳати эди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят бўлими, тез тиббий ёрдам станцияси жамоалари ўша оғир кунларда ҳам кишиларга кўмакка шошилдилар.

— Врач Одилжон Аҳмедов билан тенгдош эдик, — дейди тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокори Хушнудбек Матмусаев. — Одилжон малакали, қўли енгил шифокор эди. У ўзининг ширинсўзи билан ҳам беморларнинг дардига дармон бўларди. Умрининг сўнгги дақиқасигача инсонларга ёрдам беришга интилди. Фельдшер Орифжон Рустамов эса биринчи фарзандининг дунёга келишини орзиқиб кутаётганди. Ҳайдовчи Иброҳимжон Мансуровнинг олти нафар фарзанди отасиз қолди. Оғир дамда одамлар ҳаётини сақлаш учун Иброҳимжон ўлимга тик боқди. Шифокорлар бригадаси 13 май куни соат 19.50 да чақирувга биноан йўлга чиқишганди, минг афсуски, улар террорчилар ҳужумига дуч келиб ҳалок бўлишди.

Яқинда Соғлиқни сақлаш вазири Андижон шифохоналарига энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган реанимобиль ва тез тиббий ёрдам кўрсатувчи автомобилларни топширди. Феруз Назиров Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят бўлими ҳовлисида йиғилган ҳамкасбларига ўша оғир дамларда кўрсатган жасоратлари учун миннатдорчилик изҳор этди.

— Андижонлик шифокорларнинг қаҳрамонона ҳаракатлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Кўп инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолганингиз, ўзгалар дардини ўз дардингиздек билиб, даволаганингизнинг ўзи катта жасорат тимсоли. Ҳар қандай шароитда ҳам инсонийликни улуғ билган ҳамкасбларимиз билан фахрланамиз. Уларнинг хотиралари қалбимизда абадий қолади, — деди Феруз Назиров.

— Вазиримиз топширган ООО «AVTODOM PLUS» фирмаси ҳомийлигида келтирилган реанимобиль замонавийлиги билан ажралиб туради. Унда кичик жарроҳлик амалиётини, реанимация тадбирларини ўтказиш имконияти мавжуд. Юрак фаолиятини ўрганиш аппарати, кислород бериш анжомлари мавжуд. Бир шифокорлар гуруҳи иккинчисига халақит бермай ишлай олади. Замонавий-реанимобиль билан аҳолига янада самарали тиббий ёрдам кўрсатишга шароит яратилди, — дейишди тез тиббий ёрдам станциясининг бир гуруҳ шифокорлари.

— Чўл шароитида ишлаётган шифокорларга тиббий ёрдам кўрсатувчи «Дамас» автомобилининг калитини олганимизда жуда-жуда қувондик, — дейди Улуғнор тумани марказий шифохонаси жамоаси. — Олийҳимматлик учун бутун туман аҳли номидан Президентимизга миннатдорчилик билдирамиз. Бу машина Сиҳат-саломатлик йилида бизга жуда катта совға бўлди.

— Бизнинг жамоамизга ҳам «Дамас» русумли шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи автомобил берилди, — дейди Қорасув шаҳар марказий шифохонаси бош шифокори А.Давлатов. — Бундай эътиборни биз ўз меҳнатимиз билан оқлаймиз ва халқимиз саломатлиги йўлида тинмай изланиб, ишлаймиз.

Бу ёрдам кўпчиликни хурсанд этди, кўнгилларни қувонтирди. Ҳамма чексиз миннатдорчилик билдирмоқда. Андижонда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури бажарилишига муносиб ҳисса қўшилишига пухта замин яратилди. Энди андижонлик шифокорлар замонавий шошилинч тиббий ёрдам автомобиллари билан ўз юртдошларига кўнгилдагидек хизмат кўрсатишади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят бўлимига қарашли тез тиббий ёрдам станцияси шифокори Ўткирбек Ортиқов, хамшира Муҳайё Усанбоева билан янги реанимобилда чақирувга чиқишган пайт; реанимобиль кўриниши.*

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

АҲОЛИГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тан олиш керак, бу йўналишда кўп ишлар қилинди. Аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини босқичма-босқич ошириб боришни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Ишлаб чиқаришнинг жадал модернизация қилиниши, замонавий қувватларнинг ишга туширилиши истеъмол бозорини сифатли ва рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бера бошлади.

Аммо бу соҳадаги ишларимиз суръатини янада ошириш, тадбиркорлар янада эмин-эркин ҳаракат қилиши учун шароит яратишда Президентимиз имзоси билан чиққан **«Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги (13 июнь) ва **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги (14 июнь) фармонлари алоҳида мазмун-моҳият касб этади.

Бу фармонлар ғояси кеча ёки бугун туғилгани йўқ, албатта. Узоқни ўйлаб, олдиндан тузилган режалар асосида ушбу ғоялар пайдо бўлгани, табиий. Масалан, Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида қилган маърузасида хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайиши учун асосан тўртта муҳим вазифани бирма-бир санаб ўтганди:

биринчидан, давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш;

иккинчидан, хўжалик субъектларига нисбатан қўлланадиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш;

учинчидан, хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиши ва ўз маҳсулотини сотиши учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, марказлаштирилган тақсимот тизимига қайтишга бўлган ҳар қандай уринишларга барҳам бериш;

тўртинчидан, хусусий тадбиркорларга молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш...

Биринчи вазифадан кўзланган муддаога эътибор беринг: дунёнинг ривожланган мамлакатларида бўлгани каби бизда ҳам текширишлар натижалари бўйича молиявий ва маъмурий жазоларни эндиликда фақат суд томонидан тайинлаш тизимига ўтиш фурсати етди-да, ахир.

Ёки иккинчи вазифа моҳиятини мушоҳада қилиб кўринг: қасддан содир этилмаган ҳамда катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда уларга жазони қўллашдан воз кечиш жараёни — раҳм-шафқат ва инсонпарварлик намунаси эмасми? Қанчалаб оилалар ва уларнинг фарзандлари тақдири ётибди бу сўзлар замирида. Шунингдек, учинчи, тўртинчи вазифалардан ҳам аниқ ва равшан кутилаётган мақсадлар борлиги, табиий.

Кўриниб турибдики, қайд этилган мазкур тўрт муҳим вазифа қамрови бугун бутун мамлакатимиз меҳнат аҳли, айниқса, тадбиркорлар мамнуният билан кутиб олган айни шу икки фармонда тўла акс этган.

Мен ҳозир уларнинг ҳар бир моддасига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтирмайман. Чунки иккала Фармон ҳам республикамиз фуқароларига телевидение ва радио ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аллақачон етиб борди, улар ўқиб улгуришди, чуқур ўрганишаяпти ҳам. Ҳозир айтадиган гапим — ҳар икки фармондан кўзланган мақсад нимада эканлиги ҳақида.

Мақсад шуки, мамлакатимиз халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида жадал давом этаётган ислоҳотлар доирасини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдир. Агар уни биргина жумла билан ифодалайдиган бўлсак: мамлакатни модернизациялаш! Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида қилинган маъруза сарлавҳасидаёқ бекорга «модернизация» сўзи ишлатилмади...

У нима дегани? У шу деганики, биринчи галда — иқтисодий ўсиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва турмуш тарзи фаровонлигининг **натижаси, яъни — самараси.** Иккинчи галда — кўзланган мақсадларга **босқичма-босқич** эришиш. Учинчи галда — **ислоҳотлар изчиллигини** таъминлаш ва янада такомиллаштириш.

Чунки, ислоҳот изчил ва такомил бўлмаса, у ҳаракатдан тўхтайди, ҳаракат бўлмаган жойда эса тараққиёт йўқ. Демак, инсон ўзи доим умр бўйи ҳаракатда бўлганидек, у олиб бораётган ишлар, юмушлар пироварди — ислоҳот ҳам доим ҳаракатда бўлмоғи жоиз. Шундагина у чуқурлашиб боради, янгиланади, модернизациялашади ва энг муҳими — иқтисодиёт ўзўзидан эркинлашиб боради. Эркин иқтисодиёт эса барчанинг, айниқса, тадбиркорларнинг орзиқиб кутган имкони!

Олимжон ИСАЕВ,
Тошкент шаҳри Бектемир тумани Давлат солиқ инспекциясининг бош давлат солиқ инспектори

СИЁСИЙ ДОНИШМАНДЛИК САРИ

16 июнь куни Брюсселда Европа Иттифоқи саммити очилди. Бу саммит ЕИ тарихида энг жиддий инқироз юз бериб турган вазиятда чақирилди.

Иттифоққа аъзо 25 мамлакат раҳбарлари Франция ва Нидерландияда конституция бўйича ўтказилган референдум муваффақиятсиз тугаганидан кейин юзага келган қалтис вазиятдан чиқиш йўлларини қидиришмоқда.

ЕИнинг 2007-2013 йилларга мўлжалланган бюджетини қабул қилиш учрашувдаги энг оғир масалалардан бири бўлди. Саммитда ЕИ аъзолигига даъвогар бўлган Руминия ва Болгария раҳбарияти ҳам иштирок этди.

Саммитнинг биринчи куни ЕИ конституциясига бағишланди. Европа Иттифоқи асосий қонуни лойиҳасини 10 мамлакат имзолади. Биргина Испания уни референдум ўтказиш орқали тасдиқлади. Французлар ва голландияликларнинг конституцияга қарши овоз берганлиги парламент ратификацияси ва референдумлар бўлиб ўтиши керак бўлган яна 13 мамлакат аҳолиси кайфиятига салбий таъсир қилди. Учрашув ўтказаётган давлат раҳбарларидан вужудга келган вазиятни тўғри баҳолаб, кейинги ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш қутилмоқда.



Баъзи раҳбарлар, шу жумладан, Европа комиссияси раиси Жозе Мануэл Баррозу сайловларни вақтинча тўхтатиб, сайловчилардаги норозилик омилларини йўқотиш керак, деган фикрда. Сайловларни эса вазият барқарорлашгач давом эттириш лозим. Шундай бўлди ҳам.

Саммитга йиғилган ЕИ раҳбарлари конституцияни имзолаш муддатини узайтиришди. Конституциянинг барча аъзо мамлакатлар томонидан имзоланиши 2006 йилнинг ноябрида ниҳоясига етиши керак эди.

ЕИга раислик қилаётган Люксембург бош вазири Жан-Клод Юнкер Европа бу масалада тушунтиришлар ва музокаралар жараёнидан ўтиши кераклигини маълум қилди. Бош вазир бундан яхши конституция лойиҳасини яратиб бўлмаслиги ва у қайта кўриб чиқилмаслигини ҳам билдирди.

Шу орада Дания, Ирландия ва Чехия давлатлари режалаштирилган референдумларни орқага сурмоқчи эканлиги ҳам маълум бўлиб қолди.

Франция президенти Жак Ширак эса ЕИнинг самарали фаолиятини таъминловчи институтлар барпо этилмагунча, иттифоқни кенгайтирмаслик лозим деган фикрда.

Европанинг асосий қонуни инқирози устига аъзоларнинг ЕИ бюджети борасидаги келишмовчиликлари ҳам келиб қўшилди. 2007-2013 йилларга мўлжалланган бюджетнинг қабул қилинишига французлик фермерларга бериладиган дотациялар ва Буюк Британия бюджетига ўтказиладиган тўловлар тўсқинлик қилмоқда.

Лондон ЕИнинг қўшма қишлоқ хўжалик сиёсатидан норози. Унга кўра, француз фермерларига бир йилда 13 миллиард долларга яқин дотация ажратилади. Қизиғи шундаки, иттифоқнинг бадавлат бўлмаган аъзолари, шу жумладан, Шарқий европалик янги аъзолар ҳеч қандай дотацияларга эга бўлмайди.

Ўз навбатида Париж ҳукумати Буюк Британияни иттифоқ бюджетидан тўланадиган 5 миллиард доллар миқдоридаги йиллик компенсация пулларидан воз кечишга чақирмоқда.

Баррозу давлат раҳбарларини «сиёсий донишмандлик ва масъулият билан» бюджет борасида келишувга эришишга даъват этди.

Хуршид РАУПОВ

Бундестаг мурожаати

Германия парламенти Туркияга мурожаат қилиб, 1915-1918 йиллар давомида арманларнинг Усмонийлар империясидан чиқариб юборилиши ҳоллари бўйича тергов ўтказишга чақирди.

Германия парламенти аъзоларини ЕИ аъзолигига даъвогар бўлган Туркияда «ҳалигача арманларнинг оммавий қирғин қилиниши ва чиқариб юборилиши ҳоллари бўйича тортишувлар бўлаётгани ва можаро миқёслари кичрайтириб кўрсатилаётгани» ҳайратлантирмоқда. Уларнинг даъвосига кўра, 1,5 миллионга яқин арман 90 йил олдинги воқеалар қурбони бўлган.

«Кўплаб мустақил тарихчи, парламент ва халқаро ташкилотлар арманларнинг чиқарилиб юборилишини геноцид деб ҳисоблайди», дейилади Бундестсаг мурожаатида. Шу ўринда Бундестаг депутатлари Германиянинг тарихий хатоларини ҳам тан олишмоқда. Гап шундаки, Биринчи жаҳон уруши давомида Берлин Анқара билан иттифоқдош бўлган. Ўшанда Германия кўпсонли бегуноҳ одамларнинг ўлдирилишига тўсқинлик қилмаган.

Туркия ташқи ишлар вазири Абдуллоҳ Гул Германия депутатлари мурожаатини «масъулиятсизлик ва ҳақорат намунаси» деб атади.

Хавфсизлик Кенгаши аъзолари кўпайиши мумкин

АҚШ БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши меъёрида кенгайишини қўллаб-қувватлаган ҳолда кейинги ҳафтада Бош Ассамблеяда бу масала бўйича ўз нуқтаи назарини баён этишини маълум қилди.

АҚШ давлат котиби ўринбосари Николас Бернс, Кенгашни икки доимий ва икки-уч вақтинча аъзо ҳисобига кенгайтириш мумкинлигини айтди. Янги доимий аъзолардан бири Япония бўлиши кутилмоқда.

БМТнинг Хавфсизлик Кенгашидаги ўринларига Япония, Германия, Бразилия ва Ҳиндистон мамлакатлари даъвогар. Кенгашнинг доимий аъзоларидан бири бўлган Хитой Япония номзодига қаршилик билдирмоқда.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА БОЗОРИ

ва унинг ўта муҳим жиҳатлари ҳақида мушоҳада

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ҳаётида молия бозори муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг молия-кредит муносабатларида асосан — **банк капиталлари бозори; қимматли қоғозлар бозори; валюта бозори; суғурта, нафақа ва инвестиция фондлари** каби бозорлар фаолият кўрсатади.

Аммо бу ерда капиталлари фақат инвестиция мақсадида сарфланадиган бозорларни, яъни бирламчи бозорни ажрата билиш лозим. Унда капиталлар жамланиб, бозорда қўйилма сифатида йўналтирилади.

Молия бозори, бу — вақтинча бўш пул маблағларини бирламчи эгалари ва уларнинг истеъмолчилари ўртасидаги воситачилар (брокерлар, дилерлар ва ҳ.к.) бозори ҳамдир. Пул маблағлари эгалари қўшимча даромад топиш мақсадида ўз маблағларини воситачилар ёрдамида истеъмолчиларга вақтинча фойдаланишга бериб туришади.

Ҳозир валюта бозорида олиб борилаётган операциялар халқаро бозорда асосий улуш эгалламоқда. Бу ҳолат — валюталарни эркин айирбошлаш шароитида капиталларни давлатлараро — минтақалардан минтақаларга оқиб ўтишидан ва миллий молия бозорини эркинлаштириш жараёни фаол давом этаётганлигидан далолат беради. Зеро, валюта бозори — молия бозорининг энг катта сегменти. Масалан, ҳозир дунё бўйича ўртача кунлик валюта операциялари ҳажми 1,0 — 1,3 триллион АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Замонавий валюта бозори эндиликда ялпи жаҳон хўжалиги миқёсида амал қилаётган мураккаб ва мунтазам иқтисодий тизим сифатида ҳаракат қилмоқда. У янгича шароитларга мослашган ҳолда ривожланиб бормоқда.

Валюта бозори механизмини билиш — республикамиз ташқи иқтисодий муносабатларини ўрганиб боришда муҳим ўрин тутади. Чунки, хорижий валюталар олдисотдисига бўлган зарурат халқаро операциялар жараёни билан бевосита боғлиқ.

Бир хорижий валютани бошқа бир хорижий валютага ўтказиш эҳтиёжи шундаки, одатда халқаро савдо шартномалари ва капитали операцияларини амалга оширувчи шахслар ўз миллий валюталарига эга бўлган бошқа давлатларда яшайдилар. Улар ўз операцияларини эркин муомаладаги валюталарда амалга оширишга мажбур. Мана шундай ҳолатдаги муаммолар ечимида валюта бозори қўл келади.

Ўзбекистонда валюта бозори — Республика валюта Биржаси саналади. Унда ҳар ҳафтанинг душанба куни биржа дилерларининг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда миллий пул бирлигимиз — сўмнинг бошқа хорижий валюталарга нисбатан курси белгиланади. Белгиланган курс Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан мамлакатимиздаги барча бухгалтерия, статистика ва божхона ҳисоботини юритиш учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Расмий курс белгилаш услублари турли мамлакатларда турлича бўлади. Масалан, Англосаксония давлатларида валюта биржалари мавжуд эмас. Германия, Япония ва шунга ўхшаш бошқа ривожланган давлатларда эса валюта биржаси фаолияти валюталар курсини фиксация қилиш билан чекланади.

Ривожланаётган давлатларда эса миллий пул бирлигини бошқа хорижий валюталарга нисбатан курсини белгилашда Халқаро Валюта Фонди томонидан ишлаб чиқилган икки хил методологияга асосланилади: **бошқарилиб турувчи сузувчи тизим** (флотация); ва **эркин сузиб юрувчи тизим.** Бошқарилиб турувчи сузувчи тизимдан — иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтаётган (ривожланаётган) мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳам фойдаланади.

Ғайрат ТОЖИДДИНОВ,
Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети талабаси

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ ТАЙЁРЛОВЧИ ОЛИЙ МАСКАН

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти мамлакатимизда аграр соҳадаги энг кўҳна ва нуфузли олий ўқув юртларидан бири. Институт 1929 йилдан ҳозирга қадар қишлоқ хўжалигининг турли йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрламоқда.

Ҳозирда институтда 2 нафар академик, 30 нафар фан доктори, профессорлар, 152 нафар фан номзоди, доцентлар талабаларга илм-фан сирларини ўргатишмоқда.

Институтни битирганлар сафида бугунги кунда академиклар, меҳнат қаҳрамонлари, таниқли давлат ва жамоат арбоблари бор.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги йилларда институтнинг илмий-педагогик салоҳияти ошди, замонавий техника ва ускуналару янги информацион-педагогик технологиялар билан таъминланди. Мавжуд илмий-педагогик, техник, технологик салоҳият жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга имкон яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 сентябрдаги «Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 415-сонли қарори билан тасдиқланган янги тузилмага асосан институтда 4 факультет, 21 кафедра фаолият кўрсатмоқда. Ректорат, факультет деканатлари, кафедраларда бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашда халқаро андозаларга ўтишни таъминлаш мақсадида ўқув услубий, илмий-тадқиқот ишлари такомиллаштирилмоқда.

Институт кафедраларида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда баркамол, етук бакалавр ва магистрларни тайёрлашда фан-техниканинг, информацион-педагогик технологияларнинг, амалиётнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланилмоқда. Замонавий компьютерлар, интернет тармоқлари, ўқитиш воситалари билан жиҳозланган шинам ўқув хоналари, илмий-амалий, муаммоли лабораториялар, ахборот ва ҳисоблаш марказлари, иссиқхона, 224,5 га. ер майдонига эга ўқув-тажриба маркази, машина-трактор саройи, турли ҳайвонларни сақлайдиган виварий, кўчатхоналар, микроферма, микротовуқхона, ветеринария поликлиникаси ва дорихона, жаҳон қоракўл тери намуналари тўпланган махсус ўқув музейи, 550 мингдан ортиқ китоб заҳиралари бўлган илмий кутубхона, спорт мажмуаси, ошхона ва ётоқхоналар талабалар хизматида.

Институтда ўқитиладиган барча фанлар бўйича талабалар давлат тилидаги дарсликлар (шу жумладан электрон, мультимедияли), ўқув қўлланмалари ва бошқа қўшимча ўқув-услубий кўрсатмалар, турли илмий, илмий-оммабоп (шу жумладан, хориждан келтирилган) ойномалар билан таъминланган.

Институт дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатларидаги олий таълим муассасалари, ташкилотлари билан халқаро ҳамкорликка киришиб иш олиб бормоқда. Иқтидорли талаба ва магистрлар АҚШ, Голландия, Германия, Россия, Болгария, Малайзия, Жанубий Корея мамлакатларига ўқишга, амалиётни ўташга юборилмоқда. Профессор-ўқитувчилар таркиби ривожланган хорижий мамлакатлардаги олий таълим муассасаларида малака оширмоқдалар.

Институт жамоаси баркамол, рақобатбардош, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топа оладиган, давр талабларига жавоб берадиган, етук малакали мутахассисларни мамлакатимиз агросаноат мажмуасига етказиб беришни ўзларининг асосий бурчи деб биладилар.

Институтда 2005-2006 ўқув йилига абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни тест синовларига тайёргарлик кўришлари учун барча шароитлар мавжуд. Қабул комиссияси вилоятлардан келиб ҳужжат топширувчи абитуриентлар учун ҳам барча қулайликларни яратган. Улар ётоқхоналар билан тўлиқ таъминланадилар. Абитуриентларга тест синовларига кирган фанлар бўйича малакали профессор-ўқитувчилар консультациялар олиб боришади. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар учун танланган йўналишлар бўйича бепул махсус тайёрлов курси фаолият кўрсатмоқда.

Азиз ёшлар! Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга бел боғлаган йигит ва қизлар! Кўҳна ва навқирон Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг эшиклари Сизлар учун очиқ! Ўқишга марҳамат! Институтимиз талабалари бўлишингизда омад Сизга ёр бўлсин!



САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

2005-2006 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН БАКАЛАВРИАТ ВА МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Бакалавр таълим йўналишлари бўйича:

1. Агрономия факультети:
— *агрономия;*
— *агрокимё ва тупроқшунослик;*
— *қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги ва селекцияси;*
— *ўсимликлар ҳимояси ва карантин;*
— *ўрмончилик;*
— *касб таълими (агрономия).*

2. Иқтисодиёт ва бошқарув факультети:
— *иқтисодиёт (тармоқлар бўйича);*
— *фермер хўжалигини бошқариш.*

3. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва маҳсулотларни қайта ишлаш факультети:
— *агроинженерия;*
— *қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси.*

4. Ветеринария, зоотехника, қоракўлчилик факультети:
— *ветеринария;*
— *зоотехника;*
— *касб таълими (ветеринария);*
— *касб таълими (зоотехника).*

Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:
— *ректор номига ариза;*
— *ўрта ёки ўрта махсус маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси;*
— *У086 — шаклидаги тиббий ҳужжатнинг асл нусхаси;*
— *3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат;*
— *паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.*

Магистратура мутахассисликлари бўйича:
— *пахтачилик;*
— *умумий деҳқончилик;*
— *дала экинлари уруғчилиги ва селекцияси;*
— *сабзавотчилик;*
— *наслчилик ишлари*
— *тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар бўйича);*
— *бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича);*
— *менежмент (тармоқлар бўйича);*
— *ҳайвонларга ташҳис қўйиш ва даволаш;*
— *ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси;*
— *юқумли касалликлар;*
— *тренинг ва от касалликлари;*
— *қ/х ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш ва уларнинг селекцияси (ҳайвонлар турлари бўйича);*
— *қоракўлчилик;*
— *қоракўлчилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш;*
— *ветеринария жарроҳлиги;*
— *кинология ва ит касалликлари;*
— *қ/х ишлаб чиқаришини механизациялаштириш;*
— *деҳқончиликни механизациялаш;*
— *қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш, уларни тиклаш ва таъмирлаш.*

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:
— *магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда институт ректори номига ариза;*
— *олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси;*
— *3х4 см. ўлчамдаги 6 дона фотосурат;*
— *У086 — тиббий маълумотнома;*
— *паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.*

Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.



Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел.: 34-33-20. Факс: 34-07-86

«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига

«ҲАЛОЛ БЎЛСАНГ ЮЗНИ КЎРАСАН»

ДЕЙДИ 110 БАҲОРНИ ҚАРШИЛАГАН ПАРКЕНТЛИК БУНИСА АЯ ХОЛДОРОВА

Бир куни Луқмони ҳакимдан сўрашибди:

— Узоқ умр кўришнинг сири нимада?

— Бу жуда оддий. Одамларга яхшилик қилиш, ҳамма нарсанинг фақат яхши томонини ўйлаш ва фақат ҳалол меҳнат орқали ўз ризқини топишда, — дея жавоб берган экан у.

Қаҳрамонимиз Буниса ая бу йил бир юз ўнинчи баҳорни қаршилади. У Паркентнинг 4-Чўққайма маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қиларди. Момони зиёрат қилиш, суҳбатидан бахраманд бўлиш мақсадида Вали Норматов хонадонида бўлдик. Саранжом-саришта ҳовли. Оиладагилар турли хил юмуш билан банд. Уй тўрида бир онахон нималардир тикиб ўтирарди. Бу инсон биз излаб келган аянинг келини бўлса керак, деб ўйладик. Чунки юздан ошган аянинг келини ҳам саксонларга яқинлашган бўлади, деган ўй хаёлимиздан ўтди. Қарангки, ўша инсон биз йўқлаб келган Буниса момо эканлар.

— Ҳаётда одам қайғу-аламли кунларга, қийинчиликларга дуч келади,—дейди Буниса момо. — Инсон ҳамиша сабр-тоқатли бўлиши лозим. Ҳар қандай оғир кунларни фақатгина яхшилик билан енгиш мумкин. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун сабр билан астойдил тер тўкиб, меҳнат қилса ҳаммаси яхши бўлади. Бунга бошқалар нима дейишини билмадим-у, лекин бу менинг ҳаётий тажрибам. Иложи борича шуларга амал қилиб, кам бўлмадим. Ҳаётим давомида яхши кунлар ҳам, ёмон кунлар ҳам бўлди. Шукр қилиб яшадим. Тинмай меҳнат қилсангиз, албатта, роҳатини кўрарксиз. Бугун болаларим, набираларим йўқлаб келишади, уларни кўриб қувонаман...

Момо бироз сукутга чўмиб, пиёладаги чойдан бир ҳўплаб, сўзида давом этди:

— Болалик йилларимизда ҳаёт жуда оғир эди. Ҳаммамиз ишни фақат қўлда қилардик. Отам деҳқон эди. Кўп вақтимиз далада ўтарди. Айни улғайган чоғларимизда Биринчи жаҳон уруши бошланди. Шунда айрилиқ, уруш нима эканлигини биринчи марта ич-ичимдан ҳис қилганман. Кейинчалик мени Нор ака деган кишига турмушга беришди.

Шундан сўнг Иккинчи жаҳон уруши бошланди. У аввалгисидан ҳам даҳшатлироқ ва ваҳшийроқ бўлди. Турмуш ўртоғимни ҳам уруш олиб кетди. Фарзандларимга ҳам ота, ҳам она бўлиб қолдим. Қишлоғимизда деярли меҳнатга яроқли эркак киши қолмади. Ўша даврларда кундуз кунлари далага чиқиб, кетмон чопардим. Тунлари эса чопон, қийиқча тикиб сотардим, пулига рўзғоримизнинг камкўстларини бутлардим. Бошоқ териб, зоғора нон еган кунларимиз ҳам бўлди. Шу тарзда ҳаёт кечирдим. Бугунги кунга минг марталаб шукрона айтаман. Бозорга чиқсанг ҳамма нарса бор. Ҳозир юртимиз обод, ҳамма ёқда тўкинлик. Набираларим шундай тинч замонда яшаётганидан ич-ичимдан севинаман.

— Мен қайнонам ёшининг ярмини яшадим холос, лекин негадир баъзида чарчаб қоламан, — дейди келинлари Зўраби Норматова.— Онам тўққизта фарзанд кўрганлар, улардан Ўринбой, Вали, Ғани ва Орипа опа қолган. Ҳозир шу фарзандларидан 30 невара, 70 га яқин эвара, 9 чевара бор. Ҳақиқий меҳнат, сабр-қаноат қандай бўлишини онамдан ўргандим. Ишнинг бошини тутишимга ёрдамлашдилар. Ҳаммамизга меҳрлари бўлакча. Уларнинг ёшлари бизга ҳам насиб этсин, дейман.

— Фарзандларимни ҳалол ва виждонли қилиб тарбиялашга ҳаракат қилдим,—деб яна суҳбатга қўшилади Буниса момо.— Болаларим меҳр-оқибатли, қийналган чоғларида бир-бирларига суянчиқ бўлганларидан фахрланаман. Оилада аҳиллик бўлса, ғамташвиш ундан чекинади.

Биз эса бувидан узоқ умр кўришнинг сир-синоати ҳақида сўраганимизда, жуда соддагина қилиб, юқорида келтирилган Луқмони ҳаким сўзларини айтдилар.

Момонинг юзларидаги ҳаёт чизиқлари умр сўқмоқлари ҳақидаги ҳаққоний қиссаларни сўзлаётганга ўхшайди. Буниса момо хонадонини тарк этаркамиз, у киши қўлларини дуога очдилар. Мусаффо осмонимизни, юртимизни ёмон кўздан сақлашни, она заминимизда фақат тинчлик-хотиржамлик ҳукм суришини Аллоҳдан сўрадилар. Биз эса момога қарата:

Бир денгизга ўхшайди,
Меҳрин дарё этганлар.
Яна юз йил яшайди,
Юз ёшларга етганлар! — дегимиз келди.

Жасур ҲУСАНОВ,
ЎзМУ талабаси

МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ЭЪТИБОР

Самарқанд вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси ва Каттақўрғон туман ҳокимлиги ҳамкорликда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»нинг ижроси, ёзги таътилни уюшқоқлик билан ташкил этиш ва битирувчиларни таълимнинг кейинги жараёнларига жалб этиш масалаларига бағишланган семинар ўтказди.

Таълим тизимида олиб борилаётган ишлар юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари Зоир Мирзаев ахборот берди. Умуммиллий давлат дастурининг ижроси бўйича вилоятда 35 та мактаб биноси янгидан қурилмоқда. 268 та мактаб капитал реконструкция, 287 та мактаб капитал ҳамда 317 та мактаб биноси жорий таъмирлаш режасига киритилгани таъкидланди. Жорий йилда 9-синфни битираётган 68143 нафар ўқувчи касб-ҳунар ўрганиш учун жалб этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, анжуманда йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилинди, аниқ чора-тадбирлар белгиланиб олинди.

Анжуман ишида вилоят ҳокими Мамаризо Нурмуратов иштирок этди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТЎРАҚЎРҒОНДА БАДИИЙ ГИМНАСТИКА МАКТАБИ

Наманганда бадиий гимнастикани ривожлантиришга катта эътибор билан қаралмоқда. Вилоятнинг Тўрақўрғон тумани марказида бадиий гимнастика мактаби очилганлиги фикримиз далили.

Мусиқа мактабининг эски биносини қайта таъмирлаш ва зарур анжомлар билан жиҳозлаш учун Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали томонидан 15,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Туман ҳокимлиги ва ота-оналар томонидан кўрсатилган ёрдамларни ҳам қўшсак, ҳаммаси бўлиб 29 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди.

Гимнастика мактабининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар давлатимиз томонидан ёш авлод тарбиясига катта эътибор берилаётганини таъкидлашди. Бадиий гимнастика мактабининг ишга тушиши бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Термиз шаҳридаги вилоят болалар шифохонасини мукаммал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 122,32 миллион сўм. Қурилиш муддати — 180 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси.

Манзили: Термиз шаҳар, А.Чалишев кўчаси, 8-уй. Тел.: 3-17-04, 3-66-97

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, Жўрабоева кўчаси, 2-уй.

«ДАВИНКОМ» ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ ФИРМАСИ

«Частная собственность» газетасининг 2005 йил 2 июнь ва «Мулкдор» газетасининг 3 июнь сонларида берилган эълондаги 17 июнда «Тошкент» Республика фонд биржаси савдосига қўйилиши керак бўлган «SHARG'UNKO'MIR» акциядорлик жамиятининг 41,57 фоиз акция пакети 2005 йилнинг 23 июнь куни мазкур биржанинг эркин алмаштириладиган валютадаги савдо майдончасига чиқарилишини маълум қилади.

Эмитент номи	Ҳудуд	Низом жамғармаси (сўм)	1 дона акциянинг номинал қиймати (сўм)	Савдога қўйилаётган акциялар сони (дона)	Низом жамғармасидаги улуши (%)	Бир дона акциянинг таклиф нархи (АҚШ долл.)	Акциянинг бошланғич таклиф нархи, АҚШ долл.
«SHARG'UNKO'MIR»	Сурхондарё вилояти	464 420 000	1 000	193 055	41,57	1,139	219 800,00

Интер-спорт

ПАРКЕР 9,8 МИЛЛИОНГА СОТИЛДИ

Англия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Скотт Паркер «Ньюкасл» жамоасига 9,8 миллион еврога сотилди. Бу футболчи «Челси» жамоасида бир ярим йил ўйнаб, 15 та тўп киритиб, ўзини кўрсатган эди. Шунингдек, Паркер ўтган мавсумда Англия терма жамоаси таркибида ўйнаб, энг ёш моҳир ўйинчи деб тан олинган эди. «Янги жамоа менга жуда мос келади, — дейди Паркер. — Мени ўз таркибига чорлашга бошқа клублар ҳам даъвогар эканини билардим. Лекин менинг истиқболим «Ньюкасл»да эканини ҳис этиб турибман».

ФУТБОЛ БАЙРАМИГА ЯНГИ ТЎП НАМУНАСИ

Келаси йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатида янги намунадаги тўплардан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бу ҳақда ФИФА президенти Зепп Блаттер баёнот берди.

Унинг гапига қараганда, бундай тўп намунаси шу йил кузда Перуда ўсмирлар ўртасида бошланадиган жаҳон чемпионатида синовдан ўтказилар экан. «Янги технология асосида яратилган, микрочип мосламаси ўрнатилган янги намунани ўсмирлар ўзига хос синовдан ўтказиб беришади, — дейди Блаттер. — Агар ҳаммаси жойида бўлса, бу тўплар келаси йили жаҳон чемпионатида фойдаланилади».

Гап шундаки, микрочипли тўп гол бўлган ёки бўлмаганини аниқлашда катта ёрдам беради, деб умид қилинмоқда.

МОҚ РАҲБАРИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Украина Миллий олимпия қўмитаси ижроия кенгаши қўмита раҳбари Виктор Януковичнинг истеъфога чиқиш ҳақидаги аризасини қабул қилди. Бу ҳақда Украина ёшлар, спорт ва оила ишлари бўйича вазири Юрий Павленко ахборот берди. МОҚ ижроқўми хабарларига қараганда, 23 июнь куни ўтказиладиган МОҚнинг бош ассамблеясида қўмитага янги раҳбар тайинланар экан. Шунингдек, вазир МОҚ ассамблеяси Украина спортини жаҳонга олиб чиқишга ҳисса қўшадиган муносиб номзодни танлайди, деб таъкидлади. Унинг фикрига қараганда, МОҚнинг янги раҳбари спорт соҳасида чиниққан, жаҳон, олимпия ҳаракати бўйича тажрибали киши бўлиши керак. Шунинг учун бу лавозимга Сергей Бубка, Валерий Борзов ҳамда МОҚнинг биринчи вице-президенти Иван Ведоренколарнинг номзодлари кўрсатилмоқда.

«ЎзБАТ АЖ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЮТЕРЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«ЎзБАТ АЖ» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сигарета маҳсулотларини сотиш бўйича «ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг эксклюзив дистрибютерлар танловини эълон қилади.

Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар:

1. Ташкилий-ҳуқуқий шакли — юридик шахс.

2. Номзод компаниянинг рўйхатга олинган жойи ҳақиқий фаолияти манзилига тўғри келиши шарт.

3. Устав фондининг энг кам миқдори — улгуржи савдо корхоналари учун белгиланган миқдордан кам бўлмаган.

4. Минтақа доирасида ўзига тегишли ёки ижарадаги рўйхатга олинган ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун чакана савдо шахобчалари сони: камида 5 та (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида) ва камида 3 та (бошқа вилоятларда).

5. Минтақа чегарасида ўзига тегишли ёки ижарадаги ҳажми камида 10.000.000 дона сигареталар сақлашга етарли бўлган омбор бинолари мавжудлиги.

6. Тегишли банк ҳужжатлари билан тасдиқланган айланма капиталининг минимал миқдори — 20 000 000 сўм.

7. Қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси мавжудлиги:

- *Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида гувоҳнома;*
- *Нотариал тарзда тасдиқланган Уставининг нусхаси;*
- *Улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома;*
- *Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Тамаки маҳсулоти билан савдо қилиш ҳуқуқига доир махсус рухсат гувоҳномаси (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Номзодни рўйхатдан ўтказган ҳудуддаги давлат солиқ хизмати органларининг назорат-касса машинаси билан жиҳозланган турғун савдо шахобчаси мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Номзоднинг эгалигида — ижарасида омбор бинолари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;*
- *Номзод банк муассасасида тегишли талаб қилиб олингунгача махсус иккиламчи депозит ҳисоб рақами (махсус ҳисоб рақами) очганлигини тасдиқловчи ушбу ҳужжатнинг рақамлари кўрсатилган ҳолда номзодга банк томонидан берилган ҳужжат.*

Юқорида кўрсатиб ўтилган асосий талабларга қўшимча равишда, эксклюзив дистрибютерлардан «Сигарета маҳсулотларини «ЎзБАТ АЖ» ҚКси эксклюзив дистрибютерларига сотиш шартномаси»га мувофиқ бир қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига олиб, уларни бажариш талаб қилинади. Бундай мажбуриятларнинг батафсил рўйхати номзодларга улар танловда иштирок этиш ҳақида ариза ҳамда юқорида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган ҳужжатларни тақдим этганларидан сўнг берилади.

«ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг эксклюзив дистрибютерлар рўйхатига киритиш танловида иштирок этмоқчи бўлган юридик шахслар 2005 йил 1 июль куни соат 18.00 гача «ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг бош директори номига **юқоридаги 7 бандда кўрсатилган ҳужжатларнинг нотариал тарзда тасдиқланган нусхалари** *илова қилинган ва боғланиш маълумотлари кўрсатилган ҳолда тегишли аризани юборишлари шарт. Бундай ариза буюртма хат орқали ёхуд шахсан қуйидаги манзилга етказиб берилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 77.*

Номзодлар аризаларини кўриб чиқиш, тақдим этилган маълумотлар ва номзодларнинг белгиланган талабларга муносиблигини текшириш «ЎзБАТ АЖ» ҚК бош директори буйруғи билан тасдиқланган «Ишчи гуруҳи ва махсус комиссиясининг фаолияти ҳамда «ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг эксклюзив дистрибютерларини танлаш мезонлари тўғрисидаги Низом»га мувофиқ махсус комиссияси томонидан амалга оширилади.

Барча саволларингиз билан ҳамда батафсилроқ маълумот олиш учун Жамшид Холмуродовга ёки ёзма равишда қуйидаги манзилга: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 77; ёки (+998 71) 120-53-39 рақамли факс ёки қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин:

- *(+998 71) 120-53-14*
- *(+998 71) 120-53-51,*
- *(+998 97) 156-35-12*

«ЎзБАТ АЖ» ҚК ДИРЕКЦИЯСИ

«ОСИЁ ТРАСТ» КРЕДИТ УЮШМАСИ

2005 йилнинг 30 июнь куни соат 10.00 да 2004 йил якунлари бўйича умумий мажлис Тошкент, Қушбеги мавзеси, 11-уйда (мўлжал «Қушбеги» ресторани) ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартиби:

1. Ижроия органининг кредит уюшмаси 2004 йилги фаолияти якунлари ҳақидаги ҳисоботи.
2. 2004 йил бўйича аудитор ва тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
3. Кредит уюшмасининг 2004 йил учун йиллик балансини тасдиқлаш.
4. Кредит уюшмаси аъзоларига 2004 йилги фойда ва дивидендларни тақсимлаш.
5. Кредит уюшмасининг 2005 йилдаги ривожланиш истиқболлари.

Маълумотлар учун телефон: 53-28-24

«Мусалламбону» хусусий фирмаси ўз фаолиятини тугатгани ҳақида маълум қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 397-23-16, 199-45-26.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши партия фахрийси **Набихўжа МИРЗАХЎЖАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Anvar SAMADOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 555

8908 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O'zA yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda